

## ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР ТИРСАК БЎҒИМЛАРИДАН ЛИМФА ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ.

Тангиров Каюм Жураевич<sup>1</sup>

Термиз агро технологиялар ва  
инноватцион ривожланиш институти доценти<sup>1</sup>,

Бобомуродов Урал Чориевич<sup>2</sup>

Ветеринария фанлари номзоди<sup>2</sup>,

Бобойев Журабек Илхомжон ўғли<sup>3</sup>

Термиз агро технологиялар ва  
инноватцион ривожланиш институти талабаси<sup>3</sup>,

Мусурмонов Ориф Хамза ўғли<sup>4</sup>

Термиз агро технологиялар ва  
инноватцион ривожланиш институти талабаси<sup>4</sup>.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7248929>

### Annotatsiya

Қўракўл қўйларн тирсак бўғимларидан лимфа олиш учун чуқур лимфа томирлари топографик ва анатомик тузилишлари ўрганилди. тирсак бўғими капсуласининг олдинги бурмасидан 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирлар чиқади ва лимфа коллекторларига қўйилади ва лимфа суюқлиги жоррохлик усулда олинди.

**Kalit so'zlar:** Лимфа латирал қийшиқ чуқур коллатерал проксмал букувчи суйак усти абдуктор кафт канюла..

Тирсак бугими елка суягининг талтаги, билан суягининг боши ва тирсак суягининг тирсак ўсимталаридан ҳосил бўлган. Бугим капсуласидан ташкари, латерал ва медиал боғламлар ёрдамида фиксацияланади. Тўртта бурмаси бўлиб, улардан олдинги ва оркангилари яхши тараққий этган. Тирсак бўғимининг орқанги бурмасидан 2-4 та экстраорган лимфа томирлари чиқади. Улардан 1-2 таси ўзаро қўшилишиб, елканинг уч бошли мускулини латерал боши остидан юқорига қийшиқ йуналадиган тармоқланувчи лимфа томирини ҳосил қилади ва у елканинг чуқур артерияси тармоғи бўйлаб боради. Томир елканинг урта қисми тўғрисида елканинг чуқур артерияси бўйлаб медиал юзага киради ва шу жойда қўлтиқ ости лимфа тугунига Қўйилади/

Бошқа 1-2 таси елканинг пастки қисми тўғрисида коллатерал тирсак артерияси ва венаси бўйлаб боради, шу жойда елка артерияси ва венаси бўйлаб борувчи лимфа коллекторларига Қўйилади. Лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига Қўйилади.

Тирсак бугими капсуласининг олдинги бурмасидан 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирлари чиқади. ва улар чиқибоқ елка коракоид

мускул қоринчаси остига киради. Елканинг дистал қисми тўғрисида улар елка артерияси ва венаси бўйлаб борувчи лимфа коллекторларига Қўйилади. Лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади.

Тирсак бўғимининг латерал пайдан 1-2 та экстраорган лимфа Томири чиқади, улар елка суягининг латерал тўпиғи тўғрисида бармоқларни ёзувчи мускул томирлари билан қўшилишати. Юқорида кўрсатилганидек, томирлар елканинг чуқур артерияси бўйлаб бориб, Қўлтиқ ости лимфа тугунига Қўйилади.

Тирсак бўғимининг медиал пайдан 1-2 та лимфа томири чиқади 2, елка суягининг медиал тўпиғи тўғрисида улар коллатерал тирсак артерияси ва венаси бўйлаб борувчи лимфа томирларига Қўйилади. Лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади.

Шундай қилиб, тирсак бугими капсуласи ва унинг пайларидан лимфа чуқур лимфа томирлар бўйлаб қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади . тан олингандир (А, Вудже)

### 3.8. Суяк усти пардасидан лимфа оқиш йўллари

Суяк усти пардасица лимфа томирларининг мавжудлиги умум тан олингандир (А, Вудже 1887; Г. М. Иосифов, 1928; Д.А.Тпанов, 1940, 1952; В.И. Онкадеров, 1948 ва бошқалар).

В.Н.Надеждин (1957) суяк усти пардасининг ичига инъекция қилиш йўли билан юза ва чуқур лимфа капиллярларининг тўрини аниқлади, қайсики анастомоз орқали ўзаро боғланган ва юза ҳамда чуқур лимфа йўлларига йўналган, тармоқланувчи лимфа томирларини шакллантиради.

Суяк усти пардасидан келувчи лимфа томирлари атроф тўқималарининг лимфа толирлари билан чамбарчас боғланган.

Тушок, кафт ва билак суяклари мускул ҳамда пайлардан тозалангандан сўнг, суяк усти пардаси ичига "Gerota" контраст моддасини инъекция қилиш йўли билан топилди. Тушок ва кафт суяклари пардасидан лимфа оқиш йўллари 3.4 бўлимда ёзилган.

Ушбу бўлимда асосан, билан суягининг медиал юзасидан лимфа оқиш йуллари баён этилади.

Билак суяги дорсо-медиал ва медиал позасини юқориги бўлагининг суяк усти пардасидан 2-4 та тармоқланувчи томирларни шакллантирувчи лимфа томирларининг қалин тури топилди Улардан 1-2 таси юқорига қийшиқ йўналади ва билак-тирсакнинг юқориги қисми да билагузук бўғимини букувчи билан мускули остига кириб, оралиқ артерия, вена ва нервлар бўйлаб борувчи лимфа коллекторларига Қўйилади.

Бошқа 1-2 таси пастга йўналади ва билак-тирсакнинг ўрта қисмида "s"симон букилма ҳосил қилади, билагузукни ёзувчи билан мускулининг медиал юзаси бўйлаб йўналган ҳолда билак-тирсак фасциясини тешиб киради. Сўнгра томирлар терининг лимфа томирлари тутами таркибига кириб, то бўйиннинг юза лимфа тугунигача боради.

Булак суягининг медиал юзасини пастки бўлаги суякусти пардасидан 3-4 та тармоқланувчи линира томирлари чиқади.

Улардан 1-2 таси юқорига қийшиқ йўналади ва билак-тирсакнинг пастки урта қисми тўғрисида билагузукни букувчи билак мускули пайдан келувчи лимфа томирлари билан бирлашади. Бунда, лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади.

Бошқа 1-2 та лимфа томирлари олдиндан орқага йўналган ва билак-тирсакнинг дистал қисми тўғрисида билагузукни ёзувчи билан мускули ва бармоқнинг узун абдуктори пайдан келувчи лимфа томирлари билан қўшилишади. Сўнгра, юқори ёзилганидек, бу томирлар ўрта томир-нерв тутами бўйлаб борувчи лимфа Коллекторларига Қўйилади. Лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади.

Билак суягининг ушбу қисмини лимфа томирлари юза фасцияни тешиб кириб терининг лимфа томирларига Қўйилиши ҳоллари ҳам қайд этилди. Бунда, лимфа бўйиннинг юза лимфа тугунига оқади.

Латерал юзадаги суяк усти пардаси лимфа томирларидан мускул ва пайлардан озод қилинган фақат билан суягининг пастки дистал қисмидагилар ўрганилди.

Билак суягининг пастки қисми латерал юзасини суякусти пардасидан 1-2 та тармоқланувчи лимфа томирлари чиқиб, дарҳол бармоқларни ёзувчи умумий мускул пайдан келувчи лимфа томирлари билан қўшилишади. Лимфа қўлтиқ ости лимфа тугунига оқади.

Шундай қилиб, суякусти пардасидан лимфа тоза ва чуқур лимфа томирлари бўйлаб бўйиннинг юза ва қўлтиқ ости лимфа тугунларига оқади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Гапалов М.Д. К анатомии лимфатических сосудов связочного аппарата верхней конечности человека. Труды Северо-Осетинского гос.мед. ин-та "Вопросы теоритической медицины", 1967, Вып.6, с.176-Т8Т.
2. Гапалов М.И. Взаимоотношения лимфатических и кровеносных Сосудов в сухожилиях мышц плечевого пояса. Труды Новосибирского то, мед. ин-та "Лимфатические и кровеносные пути". микроциркуляция в эксперименте и клинике), 1976, т.84. сочинений, т.2 АН СССР, 1946.

3. Павлова в.н. Синовияльная среда суставов. М., 1980, с.294.
- 4, Саввин В.И. Отводящие лидиру сосуди спновияльных сухожилий верхней и нижней конечности. Труды II съезда зоологов, анатомов, гистологов, Киев, 1937. с. 268-269.
5. Савин В.И. Осно душеие лимфатические сосуды синовияльных влагалиш сухожили конечностей человека. Труды Воронежского0.75-37.ме. ин-та. т.6, Анатолия лиматической системы", 1937.